

## Кўқон хонлиги архиви ҳужжатларида хон ва бек ўрдаси ҳаётининг акс этиши

Р.А.Арслонзода, т.ф.н. (ФарДУ)

Кўқон хонлари архиви ҳужжатлари билан илк мартаба шарқшунос олим Н.Н.Пантусов танишган эди. У 1876 йилда “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилган мақоласида [4] ушбу архив типик хўжалик архиви эканлиги ва ундаги ҳужжатлар асосан Худоёрхон ҳукмронлигининг сўнгги 10 йилига мансублигини таъкидлаб ўтди. Сал кам бир аср ўтгач, Санкт-Петербурглик толмас тадқиқотчи А.Л.Троицкая Кўқон хонлари архиви ҳужжатларини ўрганиб, уларни туркумлаштирди ва илмий таҳлилини берди. Олима биринчи бўлиб ушбу архивга тааллуқли қатор ҳужжатларни рус тилига таржима қилиб, нашр эттирди [5; 6]. Р.Н.Набиев эса ўзининг “Кўқон хонлиги тарихидан (Худоёрхоннинг феодал хўжалиги)” номли монографиясида мазкур архив ҳужжатларидан кенг фойдаланди [1]. Шунга қарамай, Кўқон хонлари архиви ҳужжатларининг хонлик ҳаётининг турли қирралари, жумладан хон саройи ва вилоят ҳокими ўрдасидаги тартибларни ўрганишдаги аҳамияти эътибордан четда қолиб келмоқда. Мазкур мақолада биз айнан шу масалага эътиборни жалб этиш мақсадга мувофиқ деб топдик.

Кўқон хонлиги архиви ҳужжатлари асосан Худоёрхон ўрдаси ва Марғилон ҳокими Султон Муродбек ўрдасида яратилган бўлиб, улар бошқа масалалар (ер-сув муносабатлари, солиқ тизими, ҳарбий иш ва ҳ.) билан бир қаторда ҳукмдор ва ҳоким қароргоҳидаги ҳаёт ва тартиблар тўғрисида хилма-хил маълумот беради.

Хон ўрдасига тегишли ҳужжатлардан саройдаги сарф-харажатлар, иморатлар қурилиши ва таъмирланиши, сарой амалдорлари ва хизматчилари, уларга берилган сарполар, шунингдек саройга юборилган турли ҳисоботлар, аризалар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Қатор ҳужжатлар хон ўрдасини ёқилғи - ўтин билан таъминлаш билан боғлиқ. Улардан бирида Сарой, Турк ва Оқжар қишлоқ оқсоқоллари (аминлар) ва фуқаролари зиммасига ҳашар йўли билан хонга тегишли ўтинларни (“ҳезуми мирий”) саройга етказиб бериш вазифаси юклатилади. Бошқа бир ҳужжатда Калбой, Шек, Оқтепа, Қорамулла, Қошғарқишлоқ, Барзанги каби қишлоқларнинг аҳолиси ўз ҳисобидан арава ажратиб, хон учун тайёрланган ўтинларни ўрдага ташиб беришлари зарурлиги уқтирилади [5, 323]. Яна бир ҳужжатда омбордан сарой эҳтиёжлари учун берилган ўтин миқдори қайд этилган. Унда қачон ва қайси кунда ошхона ёки ҳарам учун неча арава ўтин берилганлиги ёзилган.

Архив ҳужжатлар орасида сарой аҳли учун Хивадан сотиб олинган товарлар рўйхати, дори-дармонлар ҳамда меҳмонлар учун қилинган сарф-харажатлар рўйхатлари ҳам учрайди. Баъзи архив ҳужжатларида Худоёрхон сафарга чиққан чоғида қилинган сарф-харажатлар акс эттирилган. Масалан, бир неча дафтарларда ҳукмдор айрим қишлоқларда қўнган пайтда унинг ўзи ва ҳамроҳлари (баъзан ҳарамдаги аёллар ва болалар ҳам хонга ҳамроҳлик қилишган) учун сотиб олинган озиқ-овқат ва ўтинга тўланган пул ҳамда ёлланган аравалар эгаларига берилган кира ҳақи батафсил ёзиб қўйилган. Бу мисоллардан хон ўрдасида ҳазинадаги маблағ ҳамда омборлардаги буюм ва маҳсулотларнинг аниқ ҳисоб-китоби олиб борилганлигини англаш қийин эмас.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, сарой харажатларининг бир қисми хоннинг отхонаси ва бу ердаги отларни боқиш билан боғлиқ эди. Уларда хон ўрдаси учун яхши отларни излаб топиш ва сотиб олиш, отлар учун эгар-жабдуқ харид қилиш, от пойгаси ва кўпқари (улоқ) ўйинлари учун соврин (чопон ва бошқа совғалар) тайёрлаш каби масалалар ўз аксини топган [5, 325-326].

Хон ва сарой аҳлининг отлари учун Ермасжиддаги хос ерлардан тайёрланган беда ва жўхори, Кўқон шаҳри атофидаги қишлоқлардан сотиб олинган беда (сотувчиларнинг исми-шарифлари ва уларга берилган пул миқдори кўрсатилан ҳолда) тўғрисидаги ҳужжатлар ўрдада отлар учун ем-хашак захираси қай тарзда тайёрланганлиги ҳақида

маълумот беради. Қатор патта ва дафтарларда ушбу захиралар қандай сарф қилинганлиги ўз аксини топган.

Ҳужжатларнинг бирида Худоёрхон рамазон ва зулҳижжа ойларида чўл худудларида бўлган пайтида (хон чўл зонасига овга борган бўлса керак - Р.А.) хон ва унинг ҳамроҳлари отлари учун сарф қилинган ем-хашак миқдори (қайси кунда, кимнинг оти учун, қанча беда ва жўхори берилганлиги) батафсил қайд этилган.

Архив ҳужжатларидан аён бўлишича, ўрдага ташриф буюрган меҳмонлар ҳамда давлат лавозимидаги мансабдорларнинг отлари учун ҳам ем-хашак ажратилган. Масалан, устахоналарнинг бирида найза ясаш билан банд бўлган усталарнинг отларига беда ажратиш тўғрисидаги ҳужжат сақланиб қолган. Ушбу ҳужжат хижрий 1259йил муҳаррам ойининг 18кунда (милодий 1843йил 18февралда) тузилган [5, 326].

Қўқон хонлари архиви ҳужжатлари мамлакатнинг хўжалик ҳаёти, жумладан Худоёрхонга қарашли ғишт корхонаси, гуғирд ишлаб чиқариш устахонаси тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради. Хоннинг ғишт заводида пишиқ ва хом ғиштлар ишлаб чиқарилган. Ҳужжатларда кимга, нима учун ва нечта пишиқ ёки хом ғишт берилганлиги қайд этилади. Ҳужжатларнинг бирида ғишт заводида бошқарган Бўта амин ва Назар амин деган шахслар яширинча аҳолига пишиқ ғишт сотиб, пулини ўзлаштириб юборганликлари ҳақида хабар берилади [5, 329]. Архив ҳужжатида хонга қарашли ганч (алебастр) ишлаб чиқарувчи корхона (“бўрхона”) ҳам мавжуд эканлиги таъкидланади. Бир неча дафтарларда мазкур корхонада меҳнат қилган ишчиларнинг рўйхати, сарф қилинган ёқилғи, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг миқдори тўғрисида эътиборга лойик маълумотлар келтирилади.

Архив ҳужжатларининг бирида хонликда мавжуд бўлган гуғирд устахонаси ҳақида хабар берилади. Абдуллоҳ ва Ҳамдам исмли усталар ихтиёрига Қорамулла ва Қорашаккишлоқ номли кишлоқлар ёнидаги янтоқзорлар берилган бўлиб, улар янтоқдан гуғирд тайёрлаб, девонбегига топширар эдилар. Бошқа бир ҳужжатда эса Абдуллоҳ ва девонбеги янтоқларни сарфлашда суйиистеъмол қилганликлари ҳақида хонга хабар берилади [5, 329].

Архив ҳужжатлари Қўқон хонлигида қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш масаласига ҳам анча ойдинлик киритади. Маълум бўлишича, бу ерда милтиқ ишлаб чиқарган корхоналар бор эди. Бундай корхоналар архив ҳужжатларида “камонхона” ёки “милтиқхона” деб аталади. Патталарда милтиқхоналарни пўлат, чўян, рух, мис, жез (“биринжи”), қалайи, тошқўмир, елим (“шилми сиях”), навшодил, бўёқ, ўтга чидамли пишиқ ғишт, арқон, чарм (“қайиш”), қум билан таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар берилган.

Қўқон хонлиги архивида сақланаётган ҳужжатларда Худоёрхон ҳукмронлиги даврида амалга оширилган қурилиш ишлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд. Уларнинг айримлари Худоёрхон ўрдасининг бунёд этилиши билан боғлиқдир. Жумладан, бир паттада ўрданинг қурилиши учун узун тусинлар етказиб бериш зарурлиги таъкидланади. Шунингдек, мактаб ва ошхона қурилишига, бахмалбофлар учун уй (“ҳавлийи бахмалбофон”) қуриш жараёнида сарф этилган қурилиш материаллари (устунлар, тусинлар, тахта, ғишт, мих ва ҳ.) рўйхатлари, Ермасжидда дахма қурилишига раҳбарлик қилган Уста Муҳаммад Каримнинг харажатлар дафтари (уста ва ишчиларнинг озиқ-овқатига, отларни боқишга қилинган сарф-харажатлар, мардикорларга тўланган иш ҳақи ва ҳ.) каби ҳужжатлар ҳам эътиборга лойикдир.

Архивда Худоёрхон ўрдаси ҳаёти билан боғлиқ талай бошқа ҳужжатлар ҳам бор. Улар орасида мансабдорлар ва сарой хизматкорларига ҳақ тўлаш, уларга кийим-кечак учун пул бериш (“пули либос”), масжид ва мадрасаларга қилинган эҳсонлар, мерос масаласида хон ўрдасига тушган аризалар, никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ҳужжатлар шакл ва мазмун жиҳатидан хилма-хил бўлиб, улар Қўқон хонлигидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тўғрисида ғоят муҳим маълумотлар беради.

Кўкон хонлиги архивида сақланаётган ҳужжатларнинг катта қисми Марғилон вилояти ҳокими Султон Муродбек ўрдаси билан боғлиқдир. Бу ҳужжатлар мажмуини қўйидаги асосий гуруҳларга бўлиш мумкин: бек хўжалиги билан боғлиқ ҳужжатлар; бек ўрдасининг хизматчилари фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар; бек ўрдасидаги иншоотлар ҳақидаги ҳужжатлар; бек ўрдасида ўтказилган маросимлар тўғрисидаги ҳужжатлар; Султон Муродбек ва унинг оила аъзоларининг шахсий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар.

Бек хўжалиги билан боғлиқ ҳужжатлар орасида ҳоким ўрдасининг харажатлари рўйхати муҳим ўрин тутди. Бу рўйхатдан маблағлар қандай мақсадда сарф қилинганлигини билиш мумкин. Ҳужжатлардан аён бўлишича, маблағлар асосан янги ҳарбий истехкомлар (“кўрғонча”) қуриш, бекка қаршли конда меҳнат қилаётган ишчиларга (“кончиён”) иш ҳақи тўлаш, ҳоким ўрдаси ходимлари ва унинг оила аъзолари эҳтиёжларини қондириш учун сарфланган.

Шу билан бирга ҳужжатларда Қоратегин шоҳи Раҳимшоҳ ва Ҳисор ҳукмдорининг (“мир”) ўғилларига берилган пул, мато ва совғалар (“бухча”) тўғрисида сўз юритилади. Бундан маълум бўладики, Бухоро амири Ҳисор ва Қоратегинни забт этгандан кейин, бу вилоят ҳукмдорлари ва уларнинг оила аъзолари Фарғонага қочиб келиб, Кўкон хонлигида паноҳ топганлар.

Яна бир ҳужжатда татарларга майда сарф-чиқим ва чой сотиб олиш учун пул бериш ҳақида сўз боради. Бу ерда Кўкон хонлигига хизмат қилган татар ҳарбийлари назарда тутилган бўлиши мумкин [5, 340]. Архив ҳужжатларида бек ўрдасида сўйилган чорва ва гўшт-ёғнинг сарф қилиниши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Талай ҳужжатлар Марғилон беклигида олиб борилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини ёритади. Бу ҳужжатларда вилоят ҳудудида барпо этилган кўрғонлар, савдо расталари, масжид ва мадрасалар ҳақида маълумот берилади. Уларда ушбу иморатлар учун сотиб олинган қурилиш материаллари, усталар ва мардикорларга тўланган иш ҳақи ўз аксини топган.

Бир туркум архив ҳужжатлари қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, уларда ижаракор деҳқонларга уруғлик ва меҳнат қурооллар ажратиш ҳақида кўрсатма берилади. Бундан биз баъзи деҳқонлар жуда камбағал бўлиб, ҳатто уруғлик ва меҳнат қурооллар сотиб олишга ҳам қурби етмаганлигини билиб оламиз.

Кўкон хонлиги архиви ҳужжатларида Фарғонада кончиликнинг аҳволи ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар учрайди. Уларда Олой тоғларидаги кончиларга кетмон, митин (кирка) ва босқонлар бериш, уларга ғалла ва гўшт сингари озиқ-овқатлар ажратиш, шунингдек иш ҳақи (“музди кор”) тўлаш хусусида кўрсатмалар берилади.

Иккита ҳужжатда Риштонда нефт ишлаб чиқарилганлиги ҳақида хабар берилиб, нефть (“ерёғи”) ва ундан олинган керосинни ташиш учун арава ажратиш зарурлиги таъкидланади. Ҳужжатларда “керосин заводи” (“забути ерёғи”) деган иборанинг қўлланилиши ҳам диққатга сазовордир. Қатор патта ва мусавваларда бу заводда меҳнат қилаётган уста ва ишчиларга озиқ-овқат маҳсулотларини бериш, иш ҳақи тўлаш, уларни меҳнат қурооллари ва бошқа керакли анжомлар билан таъминлаш хусусида сўз юритилади [5, 355-357].

Бек ўрдасига тааллуқли ҳужжатларнинг иккинчи гуруҳи бу ерда хизмат қилган амалдорлар ва хизматкорлар ҳақида маълумотлар беради. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, хон ўрдасини кўрбоши бошқарган (1871-1872 йилларда ушбу лавозимни Бахти Муҳаммад кўрбоши эгаллаган). Бек ўрдасида мирзабоши лавозими ҳам бўлган. Архив ҳужжатлари таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳазинадаги моддий қимматга эга бўлган буюмлар бекнинг кўрсатмасига биноан кўрбоши томонидан, пул маблағлари эса мирзабоши томонидан берилган. Моддий буюмларни асраш учун омборчи (“анборчи”) масъул бўлган. Ҳужжатларда саркор - солиқ йиғувчи, меҳтар - дарғабоши, доруға - қишлоқ оқсоқоллари каби амалдорлар ҳам тилга олинади. Ўрдада Қуръон тиловат қилувчи қори, ҳоким ва амалдорларнинг болаларини ўқитган мактабдор ҳам бўлган.

Хужжатларда ўрда аҳлини даволаган ҳақимбоши ва табиб сингари мансабдорлар зикр этилади. Улардан ташқари ўрдада мулозимлар, машкоблар - сув ташувчилар, баковулбоши ва баковуллар - ошпазлар, чойхоначилар, фаррошлар, боғбонлар, миршикорлар, саислар - отбоқарлар, аравакашлар, қассоблар - ғончилар, хизматкорлар, сағиралар - етимлар, кул - ғулом ва чўрилар бўлган.

Эътиборга лойиқ ҳолат шундан иборатки, ўрдада хизмат қилган шахслар тўй-ҳашам қилганда уларга (эгаллаб турган лавозимларидан қатъи назар, ҳатто усталар, хизматкорлар ва сағираларга ҳам) кўй, матолар, пойафзал, рўмол ва бошқа буюмлар тўёна сифатида берилган. Сарой хизматчиларининг яқин одамлари оламдан ўтганда ҳам уларга ёрдам тариқасида хазинадан пул ва матолар ажратилган [5, 392-395].

Бек ўрдасига тегишли бўлган хужжатларнинг учинчи гуруҳи вилоят ҳокими қароргоҳи тўғрисида маълумот беради. Бу хужжатлардан ҳоким ўрдасида мавжуд бўлган иншоотлар хусусида маълумотлар олиш мумкин. Жумладан, бу ерда турли қабуллар ўтказиладиган саломхона, меҳмонлар учун қурилган уй - меҳмонхона, ички ҳовли - ичкари (“дарун”, “ҳарам”), қоровуллар турар-жойи - дарвозахона, ошпазлар турар-жойи - бакавулхона, ошхона, фаррошхона, хазинахона, омбор (“анбор”), чойхона, масжид, миршикорхона, отхона, аравахона ҳамда боғлар бўлган. Бундан ташқари, зарурат туғилганда ўрда худудида чодир ва ўтовлар ҳам тиклашган.

Хужжатларнинг тўртинчи гуруҳи бек ўрдасидаги турли қабул ва маросимлар ҳақида хабар беради. Ушбу хужжатлардан маълум бўлишича, бек ўрдасида хон ва унинг оила аъзолари - онаси, хотинлари ва фарзандларини қабул қилиш учун катта тайёргарлик кўрилган, уларни тансиқ таомлар билан сийлашган, совға-саломлар (“тортиқ”) беришган. Бек ўрдасида сайидлар ва хўжалар, тўралар, бийлар ҳамда бу ерга ташриф буюрган олий даражадаги давлат мансабдорлари (додхоҳ, шайхулислом, қозикалон, парвоначи, офтобачи ва ҳ.) шарафига зиёфатлар уюштирилиб, меҳмонларга турли совғалар берганлар. Иккита хужжатда Марғилонга ташриф буюрган рус элчиларининг қабул қилиниши ҳақида ҳам маълумотлар бор [5, 405-425].

Бек ўрдасига тегишли хужжатларнинг бешинчи гуруҳи Султон Муродбек ва унинг оила аъзоларининг шахсий ҳаёти билан боғлиқдир. Унда ҳоким оила аъзоларининг эҳтиёжлари учун берилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли буюмлар, кийим-кечак, пойафзал, шунингдек шам, ёқилги (ўтин) ва бошқа нарсалар тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Хужжатларнинг бу гуруҳи этнографик жиҳатдан ҳам муҳим бўлиб, уларда бек ўрдасида ўтказилган оилавий маросимлар (бешик тўйи, суннат тўйи ва ҳ.), бекнинг хон ўрдасидаги тўйларда иштирок этиши билан боғлиқ маълумотлар ҳам кўп. Бундан ташқари хон ва бек ўрдаларида ўтказилган диний ва дафн маросимлари (“фотиҳахони”, маърака, хатми қуръон, мозорларни зиёрат қилиш, худойи, садақа улашиш) ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилади. Шунингдек, янги уйга киришдан олдин ис чиқариш, рамазон ва қурбон ҳайитларнинг ўтказилиши, бибисешанбе, қорхат ёзиш, янги ариққа сув очишдан олдин қон чиқариш каби кўп урф-одатлар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Шундай қилиб, Қўқон хонлари архиви хужжатлари хонликнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли қирраларини ёритиб беради. Бу хужжатларда мамлакатнинг иқтисодий ҳолати, хон ва бек ўрдасидаги ҳаёт ўз аксини топган. Фикримизча, хужжатлардаги ғишт, керосин, милтиқ ишлаб чиқариш корхоналари ҳақидаги маълумотлар, Қўқон хонлиги “типик феодал” давлат бўлган, каби эски постулатдан воз кечишга ундайди, Худоёрхон ҳукмронлиги даврида бу ерда давлатга қарашли бўлган, мануфактура типидagi саноат корхоналари вужудга кела бошлаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Қўқон хонлиги архиви халқнинг урф-одатлари, удумлари ва маънавий ҳаёти тўғрисида муҳим маълумотлар берувчи манбадир.

#### **Адабиётлар:**

1. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана). - Т.: Фан, 1973.

2. Оронюк Б., Алиев Б. Архивлар – хужжатлар қалъасидир // Шарқ юлдузи. 1989. № 11.
3. Оронюк Б.Л. К истории архивов в дореволюционном Туркестане // Научно-методический бюллетень Архивного управления МВД УзССР. 1957. №1.
4. Пантусов Н. Н. Архив Кокандского ханства // Туркестанские ведомости. 1876. №12.
5. Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века. - Москва: Наука, 1968.
6. Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства XIX в: По документам архива кокандских ханов. - Москва: Наука, 1969.
7. Юлдашев М.Ю. Новый архивный источник по истории Средней Азии // Краткие сообщения Института востоковедения АН СССР. Т. 1. - Москва, 1951.